



THE ROLE OF SA'DIDDIN HAMAWI IN THE FORMATION OF AZIZIDDIN NASAFI'S SUFI WORLDVIEW

Zubaydillo Ibodilloevich Narziyev

Associate Professor of the "Social Sciences" Department

Bukhara State Pedagogical Institute

PhD in Philosophy

zubaydillonarziyev@gmail.com

Bukhara, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Sufism, Sa'diddin Hamawi, Aziziddin Nasafi, Ibn Arabi, Najmuddin Kubro, Wahdat al-Wujud, Book of the Perfect Man.

Received: 24.11.25

Accepted: 25.11.25

Published: 26.11.25

Abstract: This article analyzes the role of the great Sufi master Shaykh Sa'diddin Hamawi—honored with titles such as “Khatm al-Awliya,” “Shaykh al-Islam,” “Sa'd al-Milla,” “Qutb al-‘Arifin,” “Ghawth,” “Fard,” and “Jami‘ al-‘Ulum”—in the formation of the Sufi worldview of Aziziddin Nasafi, one of the prominent representatives of medieval Sufi teachings and philosophy and a distinguished ancestor of ours.

АЗИЗИДДИН НАСАФИЙНИНГ ТАСАВВУФИЙ ДУНЁҚАРАШИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА САЪДИДДИН ҲАМАВИЙНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Зубайдилло Ибодиллоевич Нарзиев

Бухоро давлат педагогика институти

“Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти,

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)

zubaydillonarziyev@gmail.com

Бухоро, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Тасаввуф, Саъдиддин Ҳамавий, Азизиддин Насафий, Ибн Арабий, Нажмиддин Кубро, “Ваҳдат ул-вужуд”, “Комил инсон китоби”.

Аннотация: Мазкур мақолада ўрта аср тасаввуф таълимоти ва фалсафасининг йирик намояндаси, улуғ аждодларимиздан бири бўлган Азизиддин Насафийнинг тасаввуфий дунёқарашида “Хатмул-авлиё”, “Шайхул-ислом”, “Саъдул-милла”, “Қутбул-орифийн”, “Ғавс”, “Фард”, “Жамиул-улум” унвонлар билан улуғланган буюк мутасаввиф, шайх Саъдиддин

РОЛЬ СА’ДИДДИНА ХАМАВИ В ФОРМИРОВАНИИ СУФИЙСКОГО МИРОВОЗЗРЕНИЯ АЗИЗИДДИНА НАСАФИЙ

Зубайдилло Ибодиллоевич Нарзиев

Доцент кафедры «Социальные науки»

Бухарский государственный педагогический институт

Доктор философии (PhD)

zubaydillonarziyev@gmail.com

Бухара, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: суфизм, Са’диддин Хамави, Азизиддин Насафий, Ибн Араби, Нажмиддин Кубро, Вахдат аль-вуджуд, Книга о совершенном человеке.

Аннотация: В данной статье анализируется роль великого суфийского мастера шейха Са’диддина Хамави — удостоенного титулов «Хатм аль-авлия», «Шейхуль-ислам», «Са’д аль-милла», «Кутб аль-арифин», «Гавс», «Фард», «Джами’ ул-‘улум» — в формировании суфийского мировоззрения Азизиддина Насафий, одного из крупных представителей средневекового суфийского учения и философии, нашего выдающегося предка.

Кириш. Тасаввуф ва ирфоннинг етук назариётчиси, ватандошимиз Азизиддин ибн Муҳаммад Насафий милодий XIII асрнинг бошида Насаф шаҳрида туғилган. Бу даврда Насаф ирфон ва тасаввуфнинг йирик марказларидан ҳисобланиб, фикҳ, тафсир, ҳадис ва калом илми бўйича ҳам йирик олимлар ушбу диёрдан етишиб чиққан. Бошланғич маълумотни туғилган шаҳрида олган Азизиддин таҳсилнинг кейинги босқичини Бухорои Шарифда давом эттиради. Мўғул босқини сабаб, Насафий Мовароуннаҳрни тарк этиб, нисбатан осойишта макон қидириб, Хуросонга борган. У ерда шайх Нажмиддин Кубронинг шогирди Саъдиддин Ҳамавийга қўл бериб, маънавий сайру сулук одоби ва асрорини ўзлаштиришга киришиб, вахдат ул-вужуд таълимотининг асосчиси-Шайх Муҳйиддин ибн Арабий ҳамда Шайх Нажмиддин Куброларнинг таълимотини уйғунлаштирган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мазкур мавзуга оид маълумотлар Азизиддин

Насафийнинг “Комил инсон китоби”, “Танзил”, “Кашф ул ҳақойиқ” ва бошқа асарлари, шунингдек, турк олимлари Иброҳим Дюзеннинг “Aziz Nesefi’ye göre allah, kainat ve insan”, Шабон Аргуннинг “Sa’deddin Hamûyî-Hayatı, Eserleri ve Tasavvufi Görüşleri” каби тадқиқотларида маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотда анализ, синтез, тарихийлик, синергетика ва герменевтика, ворисийлик, қиёсий таҳлил, усулларида фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Ҳозир кунга қадар Азизиддин Насафийнинг ҳаёти ҳақида мавжуд манбаларда кўп маълумотлар учрамайди. Ҳатто “Ислом энциклопедияси”да ҳам бу мутасаввиф ҳақида ҳеч қандай маълумот учрамайди. Шу нуқтаи назардан Насафийнинг ҳаёти, фикр ва қарашларини оз бўлсада мавжуд бўлган манбаларга таяниб, ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Шубҳасизки, миқдор ва сифат жиҳатидан муҳим асарлар яратган Азизиддин Насафий XIII асрнинг буюк мутасаввиф ва мутафаккирларидандир. Муҳим мавзуларда асарлар яратган мутасаввиф аксарият табақот ва тазкиранависларнинг эътиборидан четда қолганлигини ҳайратланарли ҳолат сифатида қайд этиш мумкин. Турк олими Иброҳим Дюзен юқоридаги яъни Насафийнинг кўпгина манбаларда қайд этилмаганини, табақот ва тазкиранависларнинг назаридан четда қолиб кетганлиги ҳолатини уларнинг лоқайдлиги ва бепарволигига боғлаб тушунтиради. Чунончи, Абдурахмон Жомий ўзининг “Нафаҳот ул унс” асарида шуҳрат жиҳатидан юқори даражада тилга олинмайдиган сўфий ва мутасаввифларни тилга олган бўлсада, Насафий ҳақида ҳеч қандай фикр билдирмаган. Ҳусайн Бойқаро “Мажолис ул ушшоқ” асарида Азизиддин Насафий ҳақида айрим маълумотларни ёзиб қолдирган. Мазкур асарда мутасаввиф ҳақида берилган маълумотлар ҳам жуда ишончли эмас. Ҳусайн Бойқаро ўзининг маълумотларини Насафийнинг асарлари асосида очиб берган. Айрим ўринларда Ҳусайн Бойқаро берган маълумотлар Насафийнинг ўз асарларида ўзи томонидан берилган маълумотларга бироз зид келиши кўзга ташланади. “Мажолис ул ушшоқ”да Насафий ботиний ва зоҳирий илмларни бирлаштира олган, мутасаввифларнинг усул, ҳикмат ва истилоҳ(тушунча)лари мавзусида китоблар таълиф этган, асарларида калом илми тарафдорлари, файласуфлар ва ваҳдат ул вужуд таълимоти намояндаларининг фикрларини чуқур ўрганган бир зот сифатида тилга олинган. “Мажолис ул ушшоқ”даги маълумотга кўра, Насафий мўғуллар босқини даврида Бухородан ҳайдаб юборилиб, дўстлари ва болалари ўлдирилган. Мутасаввиф ночор ҳолатда Хуросонга келган ва у ердан Абрқўҳга ўтиб, хижрий 661 йилда шу ерда вафот этган.

Азизиддин Насафий ислом дини ва таълимоти, қатор тариқатлар вужудга келиб, уларнинг ғоялари ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олган даврда яшаган десак муболаға бўлмайди. Табиийки, мутасаввиф яшаган ва фаолият юритган даврда ислом дини, тасаввуф таълимоти, мусулмон эътиқоди асосида вужудга келган бошқа диний ва фалсафий оқимлар, жумладан, калом, машшоиюнлик, исмоилийлик каби йўналишларнинг ақида ва ғоялари кўплаб мутафаккирлар дунёкараши, хусусан Азизиддин

Насафийнинг ҳам дунёқараши шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатган. Алоҳида эътиборга молик жиҳат шундаки, аллома Куръон ва ҳадисларни яхши билган ва ўзининг барча асарларида улардан иқтибос келтирган.

Азизиддин Насафий айна шу давр, яъни тасаввуфнинг фалсафий тус олган даврида яшаган. Унинг асарларида назарий тасаввуфнинг постулатлари асосланган, унинг категориялари перипатетиклар фалсафасининг атамалари билан аралашиб кетган. Барча асарларида “ваҳдат ул-вужуд” таълимоти ва фалсафасининг таъсири яққол сезилиб туради. Ўзи таълим олган ва учрашган мутасаввифлар, шайх ва уламоларнинг барчалари “ваҳдат ул вужуд” таълимотининг вакиллари бўлишган. Мутасаввиф ўзи туғилган Насаф шаҳрида тасаввуф илмини ўрганишга киришган бўлса-да, ўзининг биринчи шайхининг кимлигини ошкор қилмаганлиги кўринади. Насафийнинг Бухорода бўлган йилларида ҳам унинг муршиди бўлганлиги “Кашфул ҳақойиқ” асарида келтирилган фикрлардан намоён бўлади. Шунингдек, тасаввуфий одоб ва арконлар, зуҳд даврини Бухорода ўтказган Насафий, бу ерда исмини маълум қилмаган бир муршиди бўлганлиги ҳақида маълумот берган. Масалан, у ўз муршиди ҳақида маълумот берар экан, “шайхимиз, Аллоҳ унга соғлиқ берсин” ёки “Аллоҳ уни саломат қилсин” каби ибораларни қўллаган. Шунингдек, мутасаввиф Насафий Бухорода бўлган пайтларида муршиди билан қилган бир дала сайридан ва тушида Пайғамбар билан кўришганидан сўз очиб, ўша йилларда бир муршидга интисоб қилганлигини бошқа бир жиҳатдан қайд этган. Зеро, у “Инсони Комил” номли асарида кўрган бу тушини бошқачароқ баён этиб, уни Бухорода эмас, балки Насафда кўрганини таъкидлаган. Қайд этиш керакки, Азизиддин Насафий ўзининг қатор асарларида қайта-қайта ўзини тасаввуфга оид араб ҳамда форс тилларида тўрт юздан ортиқ асар ва рисола, мактуб, ижозатномалар ва шеърлар девонини таълиф этган, уч юздан ортиқ муридлари бўлган, ўз даврида “Абул-мафоҳир”, “Абус-саодат” каби куниялар, “Хатмул-авлиё”, “Шайхул-ислом”, “Саъдул-милла”, “Қутбул-орифийн”, “Ғавс”, “Фард”, “Жамиул-улум” унвонлари улуғланган буюк мутасаввиф, шайх Саъдиддин Ҳамавийнинг муриди сифатида таништирган. Саъдидин Ҳамавий Хоразмда Нажмиддин Кубро номи билан маълум ва машҳур бўлган, XII-XIII асрларнинг машҳур мутафаккири Абулжаноб Нажмиддин Муҳаммад ибн Умар Хивакийнинг издоши саналган. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, Азизиддин XIII асрда Мовароуннахр ва Хуросонда тарқалган тасаввуф оқимининг тарафдори бўлган. Шу ўринда биз Азизиддин Насафий ва унинг муршиди Саъдиддин Ҳамавий муносабатларига қисқача тўхталишга, уларнинг назариялари умумий ва фарқли жиҳатларини таҳлил қилишга қарор қилдик. Саъдиддин

Ҳамавийнинг тўлиқ исми Абдурахмон Жомийга кўра, Муҳаммад ибн Муайяд ибн Абу Бакр ибн Абулҳасан ибн Муҳаммад ибн Ҳамавийдир.

Саъиддин Ҳамавий тахминан 1190 йилда Эроннинг Баҳробод шаҳри Ҳамавайх маҳалласида туғилган ва 1251 йилда ўзи туғилган Баҳрободда вафот этган. Муаррих Хондамирнинг “Ҳабибус сияр фи ахбори афродил башар” асарида эса муҳаммад ибн Муайяд ибн Абу Бакр ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Ҳамавийдир. Саъиддин Ҳамавий ёшлигиданок зоҳирӣ(эзотерик) илмларни тарк этиб, тасаввуф(экзотерик) илмларни эгаллаган ва Муиниддин Жожармий, Садриддин Абулҳасан Ҳаммуйи, Нажмиддин Кубро, Шаҳобиддин Хивақий ва Шаҳобиддин Сухравардий каби уч шайхга мурид бўлиб, уларнинг тарбиясини олган. Нажмиддин Кубро унинг хилват ва суҳбат шайхи, Абу Али ал-Фармодийдан хирқа кийган Садриддин Абулҳасан унинг хирқа шайхи, Шаҳобиддин Сухравардий эса унинг зикр шайхидир. Ҳамавий Садриддин Абулҳасан Ҳаммуйининг ишораси билан Нажмиддин Куброга, Кубронинг ишораси билан эса Шаҳобиддин Сухравардийга мурид бўлган. Ўз ўрнида Сухравардийнинг ишорати билан ҳам у Ибн ал-Арабий билан учрашган. Ибн ал-Арабийнинг у ҳақида “соҳили бўлмаган уммондир” иборасини қўллаши, Нажмиддин Кубронинг унинг учун “У сайр этувчилардан эмас, балки учувчилардан” дейиши ва Сухравардийнинг унинг ҳар бир айтган гапи тўғрилигига кафил бўлишидан ҳам маълум бўладики, Ҳамавий уларнинг наздида шунчаки мурид эмас. “Мурод ул-муридин”да Шайх Саъиддиннинг хилват шайхи Нажмиддин Кубронинг уч юздан ортиқ муриди бўлгани қайд этилган. Нажмиддин Кубродан қайси муриддини афзал кўриши ҳақида сўрашганида, “Саъиддин Ҳамавий ва Азизиддин Розий” деб жавоб берган “Аммо Саъиддин тоир (учувчи), Азизиддин эса соир (йўловчи)” -деб Саъиддиннинг муридлари ичида энг афзалларидан бири эканлигини кўрсатган. Бошқа бир ўринда эса Нажмиддин Кубро “Барча солиқлар Аллоҳ таолонинг толибидир, аммо Саъиддин унинг матлубидир” -деб унинг бошқа муридларидан устунлигини билдирган. Кубро ўзининг шогирди Ҳамавийга бўлган ҳайратини унга берган ижозат матнида ҳам акс эттирган. Мутасаввиф унга берган ижозат матнида бошқа шогирдларига берган ижозат матнидагидан фарқли ўлароқ, Ҳамавийни кўп мақтаган, уни Ҳақ Таоло хавоссини ризқлантирган маънавий тажрибалар билан озиқлантирган шахс сифатида таърифлаган ва унинг авлиё ва сиддиқлар билан бир хил даражада эканлигини таъкидлаган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ҳамавийнинг устозлари унинг тасаввуфий қарашларини ёқтиришган ва ҳатто унга хавас билан қарашган. Ҳамавийнинг Ибн Арабий билан юзлашиб, ундан таҳсил олиши аслида Шаҳобиддин Сухравардийнинг ишораси ва истаги асосида амалга ошган. Ҳамавийни Шомда яхши қарши олган Ибн Арабий унинг “ваҳдат

ул-вужуд” концепцияси ва унинг ғояларини пухта ўргатган. Бу икки мутасаввифнинг биринчи учрашувидан сўнг Ибн Арабийдан Саъдиддин Ҳамавий ҳақида сўрашганида Ҳамавийга нисбатан “У, соҳили бўлмаган бир уммондир. Кунимиз ёшлари орасида унинг каби бириси йўқдур. Унга на тенг, на бир ўхшаши бордир” деб таъриф берган. Ўз ўрнида Саъдиддин Ҳамавийдан Ибн Арабий ҳақида сўрашганида Ҳамавий шайхи Акбарга “У, туганмас бир хазинадир” -дея фикр билдирган. Фаридуддин Аттор ҳам Саъдиддин Ҳамавий ҳақида “Хожа Саъдиддиннинг қалби нур сочадиган қуёш кабидир. Ҳаққа амин ўлсунки, у бугуннинг қутби ва Аллоҳнинг танланган қулидир” - мазмунидаги фикрларни билдирган.

Насафийнинг ҳақиқий шайхи ва тариқатига келсак, унинг туғилган шаҳри Насафда дастлабки таълимини олгани ва илк тасаввуфий тарбиясини шу ерда олганлигини юқорида таъкидлаб ўтган эдик. Азизиддин Насафий “Комил инсон китоби” асарининг бир неча ўринларида Саъдиддин Ҳамавий ва уни ўзининг шайхи эканлига доир маълумотларни берган. Масалан, хоссат ул хосса деб таърифланган кашф аҳлининг фикрларини баён этар экан, нур ҳақида ҳақидаги фикрларга ўрин бериб, шайхи Саъдиддин Ҳамавийга тегишли қуйидаги: “Шайхимиз буюрардиким, мен ушбу нурга етишдим, ушбу нур дарёсини кўрдим; чексиз ва ниҳоясиз бир нур эди, бепоён ва тубсиз бир уммон эди. Ўнг ва сўл, баланд ва паст, олд ва орқаси йўқ эди. Бу нурга ҳайрон қолиб эдим, еб-ичиш, ҳуш ва ҳаёл мenden кетди; бир нарса деёлмасдим. Азиз бир кишига аҳволимни баён этдим. Айтди: бориб, бировнинг хирмонидан эгасидан сўрамасдан бир ҳовуч сомон ол. Бориб, бир ҳовуч сомон кўтардим, бу нурни бошқа кўрмадим” - фикрларни билдирган. Мазкур асарнинг “Тасаввуф аҳлининг уружи баёнида” деб номланган фаслида руҳ ҳақидаги фикрлар таҳлилида яна Ҳамавийнинг “Бизнинг шайхимиз айтардики, менинг руҳим ўн уч кун осмонларда қолди, сўнг жисмимга қайтиб кирди. Жисмим бу ўн уч кунда ўлик танасидек эди ва ҳеч нарсадан хабари йўқ эди. Бунинг гувоҳи бўлганлар айтдиларки, бу ўн уч кунда сенинг жисминг ўлган кишининг танасидек ҳаётдан асари йўқ эди. Бошқа бир азиз руҳи йигирма кун жисмини тарк этганини айтиб берганди. Яна бошқа бир азиз киши айтардики, менинг руҳим қирқ кун баданни тарк этганди, сўнгра жисмимга кирди” -фикрларидан иқтибослар келтирган.

Шунингдек, “Комил инсон китоби” асарининг турли ўринларида шайхи Саъдиддин Ҳамавий қуйидаги “Хуросонда Шайхулмашойих Саъдиддин Ҳамавийнинг - Аллоҳ унинг сирларини муборак қилсин - хизматига кирганимда, пайғамбар ва валий ҳақидаги бу мунозарани давом эттираётган эдилар” , ёки “Эй дарвеш! Шайх Саъдиддин бу соҳиби замон ҳақида китоблар ёзиб, уни кўп мақтаган...”, “Камина Хуросонда Шайх

Саъдиддиннинг хизматида бўлганимда, шайх бу соҳиби замон ва унинг қудрати ҳамда камолоти ҳақида кўп муболаға қиларди” , “Ибн Арабий бу нарсаларга аён-и собита дейди. Шайхулмашойих Саъдиддин Ҳамавий эса ашён-и собита (ўзгармас нарсалар) дейди. Мен бечора эса собит ҳақиқатлар (ҳақойиқи собита) дейман” , “Эй дарвеш! Шайхулмашойих Шайх Саъдиддин Ҳамавийнинг хизматида бўлиб, унинг тарбияси соясида юрган пайтларимда шайх, биринчи жавҳар Аллоҳнинг сифатларининг мазҳари эканлигини таъкидларди” , ва шунингдек, “Билгилки, шайхлар шайхи Шайх Саъиддин Ҳамавий - Аллоҳ унинг руҳини азиз қилсин - айтганидек, фаришта очувчи, кашф этувчи, шайтон эса ёпувчидир” -аниқ фикрларни маълумот сифатида қолдирган. Насафий Саъдиддин Ҳамавийнинг ўз шайхи эканлигига шубҳа қолдирмайдиган яна бир маълумотни “Танзил” асрининг ёзилиши билан боғлиқ ҳолатда қайд этган. Насафийга кўра, “Танзил” асарининг ўн асли(боби) Хуросонда Қурбон вилоятининг Баҳробод шаҳрида Саъдиддин Ҳамавийнинг тарбияси остида ёзилган. “Танзил” асарида келтирилган қуйидаги “Бу Ўн асл Хуросонда Қурбон вилоятида, Баҳрободда Шайх Саъдуддин - Аллоҳ унга раҳмат қилсин - тарбиясида ниҳоясига етди” -маълумот ҳам бизнинг фикримизга асос вазифасини ўтайди.

Хулоса. Юқорида келтирилган фикрлардан кўриш мумкинки, Саъдиддин Ҳамавий ўз даврида тасаввуфнинг етук намояндаларидан бири бўлган ва Азизиддин Насафий дунёкарашининг шаклланиши, унинг маънавий камолотида муҳим ўринга эга бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Азизиддин Насафий. Комил инсон китоби. Нажмиддин Комилов, Олимжон Давлатов таржимаси. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, Тошкент: 2021. -232 б.
2. Azizüddin Neseî, Tenzîl Tasavvuf'ta Varlık, Bilgi ve İnsan, haz. Selami Şimşek, Litera Yayıncılık, İstanbul, 2020. - 190 s.
3. Azîz Neseî, İnsan-ı Kamil, haz. Sezâi Fırat, İstanbul: Gelenek Yayınları. 2009.
4. Azîzüddîn Neseî. İnsan-ı Kamîl. Tercüme Ahmed Avni Konuk. Yayına hazırlayan, Sezai Fırat İstanbul: Gelenek Yayınları, bs.2, 2009. -S. 20.
5. Gıyâseddin Hândmir, Habibü's-Siyer fi Ahbari Efradi'l-Beşer, Tahran 1380, II, 79
6. Ibrahim Düzen. Aziz Neseî'ye göre allah, kainat ve insan. Istanbul. Furkan yayınları.2000. -314 s
7. Şaban Arğun. Sa'deddin Hamûyî-Hayatı, Eserleri ve Tasavvufî Görüşleri. Ankara.: “Fecr Yayınları”, 2023.-364 s.
8. Tasavvufta İnsan Meselesi (İnsan-ı Kâmil), trc. Mehmet Kanar, Dergah Yay., İstanbul 1990. - S. 140.